

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «30» 8

139-7-95-ХТ/2022-  
сон

Иштихон шаҳри.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Иштихон туман ҳалқ талими бўлими номидан ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар И.Фозилов бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «MURODOBOD СЕТИ» МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи Т.Тўргунов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қўйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро хужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидалари назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиши** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Иштихон ҳалқ талими бўлимига карашли 84-мактаб биносида жорий таъмирлаш ишлари фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "25"августдаги 139879-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 331 000 000 (Уч юз ўттиз бир миллион) сўмни ташкил қиласди.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг курилиши бир йилдан ортиққа ўзгартырғанда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. ПУДРАТЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг **II бўлимида** назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

1- иловага мувофиқ курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

курилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мұхитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

курилиш таваккалчилкларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, аңжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддатда мазкур шартномага 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади, бу 331 000 000 (Уч юз ўттиз бир миллион) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1-илова).

16. Барча ишларни Пудратчи бажаргандан сўнг, Буюртмачи ишларни қабул килиш далолатномаси тузади. Далолатнома имзолангандан сўнг, 5 банк иш куни ичидаги Буюртмачи қолган 70 фоиз тўловни амалга оширади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

17. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукуқига эгадир.

19. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

21. Пудратчи обьектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

22. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

23. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлади.

24. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк обьект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

25. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликтан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

26. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

27. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

28. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

29. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 20 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

30. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг **V бўлимига** мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равища тасдиқлаши керак.

31. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XII. КАФОЛАТЛАР**

32. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лоийха ҳужжатларига ҳамда курилиш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

## **XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

33. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёrlари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

36. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

37. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

38. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

39. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди;

40. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганини, ўз вактида молиялаштирганини ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганини учун Буюртмачи Пудрагчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларниң бажарилмаган кисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниң умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

40.1. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудрагчи) сотиб олувишга (буюртмачига) кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пеняниң умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган заарни коплашдан озод этмайди.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

#### XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

41. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иктисадий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

42. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларниң ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

43. Агар Пудрагчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудрагчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашни кечикиришга ҳаклидир.

44. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккиси нусхада тузилди.

#### XVII Коррупцияга қарши шарт

##### 46.1. Томонлар:

-Томонлар, уларнинг аффилантган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашини соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекламай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора одишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-харакатлари/харакатсизларини содир этмайдилар.

-Томонлар, уларнинг аффилантган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари бошка Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан

уни рағбарлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-харакатларни/харакатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиласидилар.

47.2. Томонда ушбу Шартноманинг 10.1.-бандаги талабларни бузиш содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор килиш, коррупция билан қурашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларнинг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-амалдаги қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор килиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Пудратчи:	Буюртмачи:
<p>Ташкилот номи: "MURODOBOD СЕТИ" МЧЖ          Манзил: Сафахўжа МФЙ Қангли ққ          Банк: ЧЭКИ Hamkorbank АТВ Боғишамол фил          х/р: 20208000605088329001          МФО: 01126          ИНН: 306458929          Тел: 93 354 40 30</p> <p>Директор:  Т.Турғунов</p> 	<p>Ташкилот номи: Иштихон туман ҳалқ таълими бўлими          Манзил: Иштихон ш. Иштихон кўчаси 17-й          х/р: 100022860182127092100075096          ИНН: 200743652          Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси          ХККМ          Газначилик бўлинмаси номи: Иштихон туман Газначилик          бўлинмаси          ЯХК: 23402000300100001010          Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси          ХККМ          МФО: 00011          ИНН: 201122919          Раҳбар:  И.Фозилов          М.У.</p> 

## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi

### **Shartnoma**

2. Loyihaning nomi

### **Pudrat berish shartnomasi**

"Buyurtmachi" Ishtixon tuman xalq talimi bo'limi nomidan ish yurituvchi rahbar I.Fozilov bir tomondan, keyingi o'rinnlarda "Pudratchi" «MURODOBOD CETI» MChJ nomidan ish yurituvchi T.To'rg'unov Pudrat shartnoma bo'yicha summasi **331 000 000 (Uch yuz o'ttiz bir million)** so'mlik shartnomani tuzish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot

### **Ishtixon tumani Obodonlashtirish boshqarmasi 30.08.2022 yil**

Tuzilgan shartnoma O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvechi subektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni, O'z.R. "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 2021 yil 22 apreldagi 684-Qonuni talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**2022-yil 30-avgust**

**Bosh yuriskonsul't**

**2-darajali yurist:**



**A.Mustafaev**

**Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyekti) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
GUVOHNOMA**

Ushbu bllan Tadbirkorlik subyekti yagona davlet ro'yxatiga

**"MURODQOBOD DETI" Mas'uliyetti cheklidengan jamiyat**

(Yuridik shaxsing - tadbirkorlik subyekting foydali xizmati uchun o'shetgan hajing to'g'risida)

**"MURODQOBOD DETI" MOJU**

(Yuridik shaxsing - qo'shatilgan minfi)

- Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatidan o'tkazish ma'lumotlari o'zgurinish)

28.05.2019

727312

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Blaue, ey burz shaxsi, yo'q)

Soniq lo'zovching identifikasiya raqami (SIR):

308468928

Tashkiliy-nomi-ni

Shaxsi

Mas'uliyetti cheklidengan jamiyat

Joyleshtirish joyi:

Samarkand viloyati, Ishtixon tumani, Safoxo'ja MFY Qaragi qashlog'i

Guvennomasi:

Samarkand viloyati, Ishtixon tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

Shaxsingdan o'shetilganligini qayta tasdiq etadi



*Borb*

